O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
27 IYUL
SHANBA
№ 92 (26.951)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сизларни қутлуғ айём — «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил этилганига 10 йил тўлгани муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман.

Истиқлол йилларида вужудга келган миллий туризм соҳасининг тарихан қисқа давр мобайнида замон талаблари даражасида ривожланганини, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга самарали ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Дарҳақиқат, ўлкамизга хорижий мамлакатлардан келаётган сайёҳларнинг сони йил сайин ошиб бораётгани, янги-янги туристик йўналишларнинг очилаётгани, уларга хизмат кўрсатишнинг яхшиланаётгани замирида сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, изланиш ва интилишларингиз мужассам.

Бугунги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюраётган меҳмонлар инсоният цивилизациясининг бешикларидан бўлмиш кўҳна ва навқирон шаҳарларимизни, санъат асари даражасидаги беқиёс меъморий обидаларни ўз кўзлари билан кўриш, буюк аждодларимизнинг қадамжоларини зиёрат қилиш, юртимизнинг бетакрор гўзал табиати, халқимиз томонидан амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, улуғвор ўзгаришлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Уларнинг ҳар бири диёримиздан ўзбек халқининг бой ва шонли ўтмиши, қадимий урф-одатлари, ўзига хос санъати ва маданияти ҳақидаги бой таассуротлар билан қайтаётганларида ҳам сизларнинг хизматингиз каттадир.

Бу эса халқаро туризмни янада ривожлантириш, жаҳон андозаларига мос янги, замонавий шинам меҳмонхоналар, сайёҳлик масканларини барпо этиш, хорижий сармояларни кенг миқёсда ушбу соҳага жалб этиш имконини ҳам бермоқда.

Сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан юртдошларимизнинг чет элларга эмин-эркин сафар қилишлари учун қулай шарт-шароит яратилгани, бу эса жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллашдек мақсадимизга эришиш йўлида хизмат қилаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Мен ушбу соҳа ходимлари ўзларининг касб маҳоратини ошира бориб, ҳали ишга солинмаган мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланадилар, хизмат кўрсатиш ва сервис сифатини жаҳон талаблари даражасига кўтарадилар, сайёҳлик инфратузилмаларини ривожлантириб, Ўзбекистонимизни чинакам туризм ўлкасига айлантирадилар, деб қатъий ишонаман.

Сизларни яна бир бор қутлуғ сана билан муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«ОЗОД МАМЛАКАТНИНГ ОЗОД ФАРЗАНДИ, БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!» ФОТОТАНЛОВИГА

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ МАГИСТРЛАРИ

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА — ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР

Мамлакатимизда кечаётган жараёнлар, иқтисодиётдаги ислоҳотлар, одамлар онгидаги ўзгаришлар ҳар бир кишидан ҳаётга теран кўз билан қарашни талаб этади. Шу маънода тадбиркорлар ва ишбилармонлар фаолиятига кенг йўл очилгани ва улар манфаатини ҳимоя қилиш адлия идоралари зиммасига юклатилганлиги ҳам ҳаётий заруратдир.

«Президент Ислом Каримовнинг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида»ги маърузаси асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ярим йиллик якунлари бўйича ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор тадбиркорлар ҳимояси масалаларига қаратилди. Республика адлия вазири А. Полвонзода ушбу масала юзасидан маъруза қилиб, мамлакатимиз раҳбари томонидан адлия идоралари олдига қўйилган вазифаларга тўхталди. Афсуски, тадбиркорларга тўсиқ бўлиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Ана шундай пайтда юклатилган вазифа ва берилган ваколат доирасида адлия идоралари томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича самарали ва таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Ҳар бир шикоят алоҳида назоратга олиниб, жойида ўрганилмоқда. Натижада фақат шу йилнинг олти ойида жойлардаги адлия бошқармаларининг талаби билан тадбиркорларга тўсиқ бўлган 788 нафар айбдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилиб, уларнинг 106 нафари эса эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Сўнгги вақтларда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб адлия идораларига ишонч билан мурожаат қилаётганлар кўпайди. Ачинарлиси шуки, тадбиркорга тўсиқ бўлиб, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашаётганлар мансабдорлар, давлат хизматчилари эканлигидир. Ана шундайларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка ҳам тортиш масаласини энди тегишли ташкилотлар олдига қўйиш фурсати етди. Эътиборга молик факт: «Текширишларни рўйхатга олиш» китоби тарқатилгандан кейин қарийб 8 мингта тадбиркор фаолиятини ноқонуний текширишнинг олди олинди.

Адлия идоралари ходимлари олдида вазифалар кўп. Бу вазифаларни бажариш ҳар бир ходимдан чуқур касбий билим билан бирга айни пайтда қатъий ва тезкор бўлишни ҳам тақозо этади. Зеро, одамларнинг ташвиши ва орзу-умидлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансагина кутилган натижага эришамиз.

■ **Равшан ШОДИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ДЕЛЕГАЦИЯНИ ЧЕГАРАДАН ЎТКАЗМАДИ

Исроил аскарлари Фаластин мухторияти аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида келаётган Халқаро Қизил хоч қўмитаси делегациясини чегарадан ўтказмади. Дори-дармон ва тиббий анжомлардан иборат юк Газо минтақасининг Хон Юнус шаҳарчасига олиб кетилаётган эди. Томонлар олдиндан келишиб олган ва барча ҳужжатлар тўғри бўлишига қарамай, исроиллик ҳарбийлар юкни ўтказмади. Бунинг сабаби ҳозирча аниқ айтилгани йўқ.

ДАСТУРЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

АҚШнинг қатор йирик телекомпаниялари машъум сентябрь воқеаларининг бир йиллиги муносабати билан эфирга узатадиган дастурларини эълон қилди. «Эн-би-си» компанияси ўзининг энг яхши эфир вақтини АҚШ Президентининг рафиқаси Лора Буш хоним ҳамда мамлакатнинг энг машҳур санъаткорлари иштирокидаги концерт дастурига ажратишини маълум қилди. «Си-би-эс» канали эса, 11 сентябрь куни «9.11» деб номланган ҳужжатли фильмни кўрсатиш ниятида. «Фокс» канали журналистлари икки соатлик «Америка ўзгача бўлиб қолган кун» деб номланган дастур тайёрламоқда. «Эй-би-си» мухбирлари кечки эфирда ўша машъум кун воқеаларини бир неча дақиқага қайта жонлантириш ниятида.

ТАКЛИФ БИЛАН ЧИҚДИ

Буюк Британия ўзининг мустамлакаси бўлмиш Гибралтар ҳақ-ҳуқуқи атрофидаги тортишувларга якун яшаш мақсадида Испания ҳукуматига янги таклиф билан мурожаат этди. Буюк Британия вазири Питер Хейннинг «El Pais» газетасига берган интервьюсида айтилишича, Буюк Британиянинг Гибралтардаги ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво кучлари базаси устидан бошқарувни НАТО зиммасига юклаш лозим. Шунда Испания ҳам, Буюк Британия ҳам Гибралтардаги ҳарбий масалаларда тенг ҳуқуққа эга бўлади. Шу йўл билан мустамлака ўлка тақдири юзасидан анчадан бери давом этиб келаётган музокара-ю тортишувларга барҳам бериш мумкин.

Аслида тортишувлар Гибралтардаги ҳарбий базалар бошқаруви борасида юзага келмоқда. Негаки, Буюк Британия ўз бошқарувидаги бу базаларни Мадридга бергиси келмаяпти.

ТАНТАНАЛИ МАРОСИМЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Чоршанба куни Тиранада Албаниянинг янги Президенти Альфред Моисиу президентликни қабул қилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

«Мен қўлни қўлга бериб, аҳил иш юритган халқнинг президентиман», деди мамлакатнинг собиқ мудофаа вазири Альфред Моисиу. У июнда президентликка сайланган.

Шунингдек, пайшанба куни Ҳиндистоннинг янги Президенти П. Ж. Абдул Каломнинг ҳам лавозимни қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

«Миллат ривожланишнинг янги қиёфасини эгаллаши лозим. Одамлар ақл чироғини шу ҳаракатлар билан ёндириш вақти келди. Биз бу борада астойдил ишлашимиз керак», деди Президент тантанали маросимда.

ҚЎРИҚЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ УЧУН

Эстония ҳукумати ўзининг Москвадаги элчихонасини кўриклашни янада кучайтириш мақсадида 300 минг Эстония кроні ажратишга қарор қилди. Бу ҳақда мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг матбуот хизмати хабар берди.

Ажратилган маблағ ҳисобига элчихона деразаларига қўшимча темир панжаралар, замонавий видеокузатув тизимлари ўрнатилади ва дипломатик корпус ҳовлисига махсус ўтиш тизими жорий қилинади. Шу йўл билан элчихона ва унинг ходимлари экстремистик ҳужумлардан муҳофаза этилади. Авваллари элчихона биноси, байроғи ва герби, шунингдек, деразаларига безорилар томонидан бир неча марта шикаст етказилганди.

«CASE NEW HOLLAND»НИНГ ЯНГИ ТРАКТОРЛАРИ

Ўзбекистоннинг бир қатор агросаноат компаниялари ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларидан иборат делегацияси Англияда бўлиб қайтди.

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» бошқаруви раиси Р.Матчонов бошчилигидаги делегациянинг бу давлатга ташрифидан кўзланган асосий мақсад «Case New Holland» корпорацияси билан қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат эди. Бугунги кунда ушбу корпорация республикамизга қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб берувчи ва мамлакатимизда уни ишлаб чиқарувчи асосий шериклардан ҳисобланади.

Ташриф доирасида корпорация раҳбарияти билан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги жиҳозларини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва модель хўжаликларини барпо этиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбек делегациясининг ташрифи давомида «Case New Holland» корпорациясининг Базильдон шаҳрида жойлашган энг йирик корхоналаридан бирида «МХМ-140» русумли янги тракторнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Қувонарлиси шундаки, МДҲ давлатлари ўртасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ушбу тракторнинг ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

1994 йилда асос солинган ҳамкорлик даври мобайнида «Case New Holland» корпорацияси Ўзбекистонга беш мингга яқин трактор етказиб бериб, республикамизнинг қишлоқ хўжалик техникаси ва жиҳозлари ишлаб чиқариш соҳасида энг йирик шеригига айланди.

— Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида энг йирик қишлоқ хўжалиги салоҳиятига эга бўлиб, корпорациямиз учун муҳим стратегик шерик ҳисобланади. Қувонарлиси шундаки, республикада барча ишлар пухта ўйланган иқтисодий сиёсат асосида олиб борилмоқда. Ана шу боис биз Ўзбекистон билан кенг ҳамкорликни давом эттирамиз, — деди «Case New Holland» корпорациясининг вице-президенти Дж.Шиферт.

■ **Мардон ЁҚУБОВ,**
«Жаҳон» АА,
Лондон.

СЎЛИМ ОРОМГОҲДА

Қорақалпоғистон Республикасидан 800 нафар мактаб ўқувчилари Наманган вилояти болалар оромгоҳларида дам олмоқдалар.

Оролбўйи минтақасидаги экологик шароитдан азият чеккан ўғил-қизлар вилоятнинг Янгиқўрғон ва Косонсой туманидаги сўлим оромгоҳларда саломатликларини тикламоқдалар. Бунинг учун «Намангантекстиль», «Атлас» ҳиссадорлик жамиятлари, «Наманган телеком», вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва бошқа қатор жамоалар ҳомийлик қилишмоқда.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

САВДО КЎРГАЗМА МАРКАЗИ

Вилоят Давлат мулк бошқармаси ташаббуси билан Гулистон шаҳар биржа марказида кичик технологиялар намойишини уюштирувчи доимий савдо кўргазма маркази фаолият бошлади.

Кўргазмаларни ташкил этишдан мақсад — вилоят тадбиркорларига ишлаб чиқаришни ташкил этишда яқиндан ёрдам бериш, кичик технологияларни сотиб олишлари учун уларга қулай имкон яратишдан иборат. Дастлабки кунларданоқ бу ерда республикамиздаги кичик технологиялар ишлаб чиқарувчи 15 та фирма ва 5 та хорижий ташкилотлар билан амалий шартномалар тузилди.

■ **Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

ЮКСАЛИШ

ЁКИ БЕШТА ХАЛҚАРО МУКОФОТ ОЛГАН КОРХОНА ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

- Таназзул ортда қолди
- Ишбоши қатъиятли бўлса
- Мулк эгасини топди
- Ким бой — ҳисобини билган...
- Даромад нақд — кўнгил тўқ
- Саккиз йилда 5 миллион тонна цемент

Қувасой меҳнат биржасига келган ишсизларнинг кўпчилиги одатда цемент комбинатига кириб ишлашни исташади. Бироқ, кўплар бу орзуга етишолмайди. Сабаби жуда оддий: мазкур акциядорлик жамиятида ишлаётганлар иш жойларини қадрлагани, меҳнат анъаналарини муқаддас сақлагани боис, корхонада бўш иш ўринлари бўлиши амримаҳол.

Бу — одамларнинг маънавий қиёфаси, кайфияти ўзгарганидан далолат. Улар ўз корхонасининг ҳақиқий эгаларига айланишди ва ишлаб чиқариш қувватини оширишга ўзларини масъул, деб биладилар.

Хўш, «Қувасойцемент» акциядорлик жамияти ишчи-хизматчиларида бундай туйғулар қачон пайдо бўлди?

Гапни мозийдан бошламоқ — хайрли иш деганлар. Корхона қурилишига ўтган асрнинг 1929 йилида киришилган эди. Унинг лойиҳа қуввати ўшанда йилига 720 минг бочка цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган. 3 йил ўтиб завод илк бор маҳсулот берди — 42,3 минг тонна цемент ишлаб чиқарилди. Шундан сўнг қувватлар ошиб борди. Тўқсонинчи йилларга келиб, комбинатга айланди ва мамлакатимизнинг йирик қурилиш материали корхоналари сафидан жой олди.

... Мустақилликнинг дастлабки йилларида корхонада инқироз юз берди. Сабаб: иттифоқ парчалангач, иқтисодий алоқалар узилган эди. Ишлаб чиқариш тўхтаб қолаёзди. Қисқа давр ичида комбинатда тўрт марта директор алмашди. Иш юришмади. Кадрлар қўнимсизлиги юз бера бошлади. Шундай паллада корхонага тажрибали, ишнинг кўзини биладиган, одамлар бошини қовуштира оладиган раҳбар керак эди.



Ниҳоят, у топилди. Фарғона азот заводи электр тармоқлари устачилигидан Қувасой чинни заводи бош муҳандиси лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган Худойберган Қосимов директор бўлиб келди. У ҳали-ҳали эслайди: дастлабки иш кунларида корхона қарзга ботганлиги учун электр энергияси ва телефонлар ўчириб қўйилганди, одамлар тунлари шам ёруғида ишларди...

Янги раҳбар корхонани оғир аҳволдан чиқариш йўлларини излади. Цементчилар билан дилдан суҳбатлашишди. Умум саъй-ҳаракати билан баъзан содир этилаётган ўғирлик ва ташмачилик ҳолларига барҳам берилди. Пировардида, ишлаб чиқариш изга туша бошлади. Ишчилар томонидан бошланган ташаббуслар қўллаб-қувватланадиган, рағбатлантириладиган бўлди.

Меҳнат унумдорлиги ошди. Маҳсулот сифати ўзгарди. Кейинги саккиз йил ичида 5 миллион тоннадан зиёд цемент, қарийб 400 минг тонна оҳак, 200 минг тонна алебастр, 823 миллион дона шифер ишлаб чиқарилгани фикримизнинг далилидир. Фақат 2001 йилнинг ўзида 17,5 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот сотилди. 2 миллиард 535 миллион сўм соф даромад олинди.

(Давоми 2-бетда)

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

ЮКСАЛИШ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мулк шаклининг ўзгариши тараққиёт омилларидан бўлди. Айниқса, корхона акциядорлик жамиятига айлантирилгандан сўнг маҳсулот сифати янада ошди. Бу корхонага ички ва ташқи қурилиш материаллари бозорида катта обрў келтирди.

Худойберган Қосимов туман ҳокими этиб тайинлангач, корхонага бош директорлик лавозими унинг иқтидорли шогирди Муҳсинжон Меҳмоновга насиб этди. 40 ёшини қаршилаётган ёш мутахассис устози изидан бориб, корхонани янада ривожлантиришга бел боғлади. Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор кучайтирилди. Меҳнаткашларнинг дам олишлари ва саломатлиги йўлида «Роҳат» санаторий-профилактирийси ишлай бошлади. Мавжуд ёрдамчи хўжалик уларни сабзавот ва мева-чевалар, гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлайдиган бўлди.

Моддий манфаатдорлик борасидаги рақамларга қаранг: ўтган йили бу ерда ўртача ойлик иш ҳақи 35700 сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида 68300 сўмдан ошди. 7 йилдирки, йиллик якунларига кўра акцияларга дивиденд тўланмоқда. Энг муҳими, унинг миқдори ортиб бораяпти. — Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ишлаб чиқаришга маҳаллий хомашёларни жалб этмай туриб, катта ютуққа эришиб бўлмайди, — дейди Бош директор. — Бу борада рационализатор ва ихтирочиларимиз астойдил бош қотиришмоқда. Айниқса, ёқилғи-энергетика ресурсларини камроқ сарфлаб, атроф-муҳитга зарар етказмай сифатли ва арзон маҳсулот тайёрлаш саъй-ҳаракатлари олиб борилди. Масалан, четдан валюта ҳисобига келтирилаётган хомашё ўрнига маҳаллий конлардан хомашёлар олишни ўзлаштириш, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи деталларни ўзимизда тайёрлашни йўлга қўйиш борасида анча-мунча ишлар қилдик. Илгари цементни майдалашда (20 дан 40 фоизгача) фойдаланиладиган электротермофосфор четдан валютага келтириларди. Мутахассисларимиз маҳаллий «термоактив» қўшимчалардан фойдаланиш йўлини топишди. Силикат асосида ўтириб қолмайдиган, кенгаювчан ва ўтга чидамли, қуруқ аралашмали цемент тайёрлаш жараёни ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда эса суперсульфатга бардошли, супертампонаж цемент олиш юзасидан изланишлар давом этмоқда.

Корхонада айланма ва шахтали печлар, шунингдек, иссиқлик агрегатларини ҳимояловчи «шамот» (ўтга чидамли) ғишт ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Майдаловчи восита — цельпебс тайёрлаш технологияси фойдаланишга топширилди. Агар цельпебснинг корхонада ишлаб чиқариш чиқиндиларидан олинаётганлигини ҳисобга олсак, анчагина маблағ тежалаётганлиги маълум бўлади. Ҳолбуки, аввалари цельпебс ҳам валюта эвазига Россия Федерациясидан олиб келинарди. Асбестцемент листлари тайёрлашнинг янги технологиясида маҳаллий толасимон қўшимчалардан фойдаланилаётганлиги сабабли йилига 1000 тоннадан зиёд асбест тежалмоқда. Бу ҳам илгари Россия ва Қозоғистондан валютага келтириларди. Хуллас, ҳозир йилига шу каби жараёнларнинг ўзидан 160 минг АҚШ доллари тежаб қолинишига эришилаётир.

1999 йили Лоғон оҳактош кони ўзлаштирилиб, асосий хомашёни маҳаллийлаштиришга эришилди (аввалари Қирғизистондан келтириларди). Олтин қазиб олиш саноатида ишлатиладиган ва иссиқлик энергетика тармоқлари учун технология сувларини тозалашда фойдаланиладиган юксак сифатли майдаланган оҳак ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси томонидан эълон қилинган тендерда ғолиб чиққан цементчилар яқинда яна катта бир буюртма олишди.

Ўтган йили бу ерда қисқа муддат ичида маҳаллий хомашёдан том устига ёпиладиган сопол черепицалар ишлаб чиқариш лойиҳаси яратилди. Айни пайтда унинг харидорлари кўпайиб қолди. Яна бир янгилик, жамоа аҳли сув таъминотида исрофгарчиликка йўл қўймаслик учун уни айлантириб ишлатиш услубини қўллаяпти. Алебастр цехида ҳавони чангдан тозалашда жорий этилган янги усул «ихтиро» сифатида тан олинди. Буларнинг ҳаммаси янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришда, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришда, атроф-муҳитни мусаффолаштириш тадбирларини амалга оширишда қўл келаяпти. Мисол тариқасида, сатҳ ўлчовчи зарарли радиоизотоплар ўрнига механик сатҳ ўлчаш қурилмасининг яратилиши ҳисобига корхона йилига 10 миллион сўмдан зиёд иқтисодий самара кўраётганлигини айтиб ўтиш лозим. Энг муҳими, моҳиятан инсон саломатлигини сақлашга қаратилган ушбу ечим Ўзбекистон давлат патент идораси томонидан патентлаштирилди. Кварц қумларини қўшиш натижасида юқори активликдаги цемент чиқариш технологиясини жорий этган мутахассислар патент олишди. Бу каби интилишларнинг иқтисодий самараси сўнгги 5 йил ичида 73 миллион сўмни ташкил этди.



Корхонада хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш борасида ҳам катта тажриба тўпланган. Франциянинг етакчи компаниялари ёрдамида Ўзбекистонда катта янгилик деб ҳисобланган қурилиш учун қуруқ цемент аралашмаси тайёрлаш йўлга қўйилди. Швециянинг «SVEDALA» компанияси ҳамкорлигида Лоғон конидан оҳактошни тўғридан-тўғри корхонага транспортёрлар ёрдамида узатиш имконияти вужудга келтирилди. Германиянинг «SIEMENS» компанияси тажрибасига таяниб, компьютер билан назорат қилиш ва бошқариш дастури тайёрланди. Ҳозир оҳак ишлаб чиқариш цехи, куйдириш ва шифер цехларида бу ишлар тўла амалга оширилаяпти.

Хориж бозорига чиқиш қувасойлик цементчилар орзуси эди. Корхонада ташқи иқтисодий алоқалар бўлими ташкил этилгач, маҳсулотлар халқаро стандартлар талабига мос келиши учун мавжуд ишлаб чиқариш технологияси янгиланди. Замонавий асбоб-ускуналар, қурилмалар, эҳтиёт қисмлар, материаллар сотиб олинди. Янги бўлимга танлов асосида энг кўзга кўринган таъминотчилар қабул қилинди. Шу боис, ўтган йили қарийб 3 миллион 61 минг 410 АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 524 минг 316 долларлик маҳсулот четга сотилди.

Хўжалик юритишнинг янгича шароитида ҳар бир бўлим ва цех раҳбарларига иқтисодий таълим бериш тизими йўлга қўйилди. Эндиликда корхонада айланма маблағлар аҳамиятини ҳамма билади. Чунки, айланма маблағ камайиб кетса, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши, қарзлар бўйича пенялар ўсиб, улар кўрилган фойда ҳисобидангина қопланиши ҳеч кимга сир эмас. Бу кимга зарар? Албатта, корхона киссасига. Қолаверса, акция учун олинадиган дивиденд ҳам қисқаради. Айни кезда акциядорлик жамияти активида 4 миллиард 53 миллион сўмдан зиёд айланма маблағ бор. Бу қарзсиз ишлаш имконини беради ва сотиб олинадиган хомашё, материал, электр энергияси, газ учун ҳамда темир йўлда юк ташиш учун олдиндан 15 фоиз ҳақ тўлаб қўйиш имконини беради.

Бугунги кунда корхонада «М-400» ва «М-500» рақамли сульфатга чидамли портландцемент, тампонаж портландцементи, минерал қўшимчали «М-400», «Д-20» портландцементи, 7 ва 8 тўлқинли шифер, сопол черепица, турли оҳаклар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдаки, уларнинг кўпчилиги халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилиб, қатор мукофотларга сазовор бўлди: «Халқаро олий сифат даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун сертификат», «Халқаро сифат даражаси учун мукофот», «Европа конвенциясининг халқаро бизнесга қўшилган мислсиз ҳисса ва олий касб маҳорати учун сертификат», ишбилармонлик ва тадбиркорлик «Олтин юлдуз»и (Мадрид) сингари совринлар бунинг ёрқин далилидир. Бир йил аввал корхона GQM компаниясининг «Маркетинг билимлари муваффақиятли ўзлаштирилганлиги учун» мукофотига ҳам сазовор бўлди.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, «Қувасойцемент» акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги байрамига ёруғ юз билан келмоқдалар.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

✧✧✧

Суратларда: *жамоа қўлга киритган халқаро совринлар; корхона мажмуининг умумий кўриниши.*

СУВ КЕЛДИ, КЎНГИЛЛАР РАВШАН БЎЛДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДАЛАЛАРИГА ОБИҲАЁТ ТАРАЛМОҚДА, ОРОЛБЎЙИ АТРОФИДАГИ КЎЛЛАРГА ҲАМ СУВ ТУШМОҚДА



Кейинги йилларда сурункали сув тақчиллиги ва қурғоқчиликдан одамлар ташвишга тушиб қолишган эди. Қиш бўйи қорақалпоғистонликлар Яратгандан қор сўради, баҳорда эса ёмғир кутишди. Шу билан бирга сувни исроф қилмаслик, ундан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилди. Хусусан, май ойининг ўрталарига келиб, тўпланган сув кўзланган миқдордан ортди. Бундай қувончли воқеани шарҳлаб беришни сўраб мухбиримиз Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Жугунус ҚАЮПОВга мурожаат этди.

— Мен узоқ йиллардан бери республика ирригация ва сув иншоотларида ишлайман. Ҳақиқатан ҳам кейинги уч йилда сув ўта тақчил бўлди, қурғоқчилик авжига чиқди. Бу даражадаги сув танқислигини кекса отахонларимиз ҳам эслай олмайдилар. Кегайли, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир, Бўзатов, Қонликўл, Шуманай, Кўнғирот, Мўйноқ каби туманлар аҳолиси, деҳқону шоликорлар, қолаверса, чорвадорлар бошига тушган кунларни ҳеч ким кўрмасин. Ҳатто, ичимлик сув билан таъминлаш муаммога айланди. Катта майдонларда экинлар сувсизликдан қовжиради, уруғсиз қолди.

Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти аҳолиси ҳамда бу ердаги корхоналарга электр энергияси зарур эди. Электр қуввати билан таъминлаш учун Тахиатош ГРЭСига сув етишмасди. Муаммони ҳал этиш учун гидроузелга камида 10-15 куб метр сув келтириш лозим бўлган. Меҳнат қилиш, маблағ сарфлашга тўғри келди. «24-НДН» русумли 4 та насос қурилди. «Суванли» канали таъмирланди. Натижада қўшимча сув олиш имконияти юзага келди. Гидроузел сув сатҳи 1,2-1,5 метрга пасайтирилди. Кейин «Қизкеткен», «Суванли» каналларига озми-кўпми обиҳаёт таралди. «Туямўйин» сув омборида эса 1 миллиард 800 миллион куб метр сув бор эди. Лекин, ундан фойдаланиш имконияти қийин бўлган. Чунки, сув пастда бўлиб, Амударёга ҳам, каналларга ҳам оқизишнинг иложи йўқ эди.

Бу йил баҳор бошида сув қандай бўларкин, деган савол ҳаммамизни қийнаётган эди. Май ойига келганда табиат марҳамат кўрсатди. Ариқлар ва каналларни тўлдириб сув кела бошлади. Одамлар кайфияти кўтарилди. Май ойининг ўрталарига келиб, Тахиатош гидроузелида обиҳаёт миқдори 200 куб метрга етди. Ой охирида эса 400 куб метрдан ошди. Бу пайтда чигит экиш муддати тугаётган, шоли экишга ҳам кечикаётгандик.

Туманларнинг ҳар бирида 1800-2575 гектарга чигит, 3600-4000 гектарли майдонга шоли, 20-70 гектарга дон учун жўхори, кунгабоқар ҳамда турли сабзавотлар, полиз экинлари экишга улгурилди. Қувончлиси шундаки, «Қизкеткен» каналидан ҳар дақиқада 300-320 куб метр, «Анасой» каналида эса 80, «Суванли» каналида 85, туташ каналларда 140 куб метрдан сув оқаяпти. Республика бўйича 700-750 куб метр сув ҳаракатда. Бултур эса бундай рақам 55-60 куб метрдан ошмаганди.

«Тўямўйин» сув омборида 6 миллиард 176 миллион кубметрдан кўпроқ сув ғамланган. Июль ойида ҳеч қачон бунчалик сув бўлган эмас. Қарийб 1000 куб метр сув Тахиатош гидроузелидан Амударёга ва Мўйноқ атрофидаги кўлларга оқизилмоқда. Тўғри, сув оз бўлса офат, кўп бўлса кулфат, деган гап ҳам бор. Сувнинг кўпаяётганини унутмаслик, кутилмаганда тошиб кетиш ҳолатларининг олдини олиш йўллари ҳақида ҳам ўйлаяпмиз. Кейинги 3 йил мобайнида гидроузелдан пастга сув ўтмагани учун Амударё ўзани деярли йўқолиб кетган. Нукус шаҳри атрофида 400 куб метр сувни ўтказиш учун қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Кунига 40-50 автомашина, 4-5 автокран, экскаваторлар, бульдозерлар бетиним ишлаб, дарё қирғоқлари дамбаланди. Кейин Амударё ўз ўзанидан оқа бошлади. 950-1000 куб метр сув Орол томон хавфхатарсиз таралмоқда.

Қурғоқчилик йиллари Оролбўйидаги юзлаб кўллар қуриди. Ўт-ўланлар қаҳради. Мана энди яна сув келди. Кўллар обиҳаётга тўла бошлади. Жумладан, 30 минг гектарли «Междуречи» кўли сувга тўлди. «Балиқчи», «Макбалкўл», «Қоратерак», «Зокиркўл» каби сув ҳавзалари ҳам обиҳаётга тўлмоқда. Энг катта кўллардан ҳисобланган, сатҳи 60 минг гектарни ташкил этувчи «Судочье»да ҳам тўлқинлар қирғоққа урилмоқда. Бу кўлларга тушган сувнинг миқдори 1,5 миллиард куб метрдан ошди. Энди бу ерларда балиқчилик, мўйначиликни яна ривожлантириш имкони туғилди.

Ҳа, Оролбўйига сув келди. Қарияларимиз илоҳим кўз тегмасин, сув оқими тўхтамасин, дея дуо қилишмоқда. Сув — бу ҳаёт, эл насибаси, тўкинчилик. Эртанги кунга ишонч. Ҳозир Қорақалпоғистонда сув йўлларини яхшилаш, Орол атрофидаги кўлларни сақлаб қолиш бўйича ҳукумат дастури асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

■ **«Ўзбекистон овози» мухбири Рейимбой ЕШИМБЕТОВ ёзиб олди**

«ЭТАЛОН»ДА ИШ УНУМИ ОШДИ

Пойтахтдаги «Эталон» корхонаси инқирозга учрагач, «Ўзбек ипаги» уюшмасига қарашли «Эталон-ипак ўлчов асбоблари» заводига айланди. Шундан сўнг бу ерда ишлаб чиқариш жараёнлари янгича ташкил этилди. Завод мамлакатимиз ипакчилик саноати корхоналарида ишлатиладиган машиналар учун 1200 турдан ортиқ эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди.

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Ҳозир заводда «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси корхоналари учун мой ва ёнилғи ўлчаш асбоблари, шунингдек, харидоргир термослар ҳам тайёрланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу ерда 44 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу 2001 йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўп. Яқинда корхонага Буюк Британиядаги фирмаларнинг биридан Афғонистонга беғараз ёрдам сифатида юборилиши мўлжалланган катта ҳажмдаги термослар туркуми тайёрлаш юзасидан ҳам буюртма тушди.

«Эталон»чилар Хитой ва Японияда олинаётган ипак қуртларининг пилла ўраётган мосламаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, шу йил охиригача 35 миллион сўмлик 100 минг дона мослама тайёрлаб беришни режалаштирдилар.

■ **Саодат РИСҚИЕВА**

✧✧✧

Суратларда: *корхона жамоаси фаолиятидан лавҳалар.*

2 ЙИЛУ 8 ОЙЛИК

ЁКИ ИЧКИ ИШЛАР СОҲАСИДАН СОЛИҚ ТИЗИМИГА ИШГА ЎТГАН

Тошкент вилоят солиқ бошқармасида Тўражон Алибаев уч йилга яқин суриштирув бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган, Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик судининг бу (2001 йил 12 январь) қарорига Тошкент шаҳар фуқаролик суди ва Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раҳбарлари ҳам қўшилди.

Биз ҳуқуқшунос эмасмиз, лекин йиллар мобайнида ходимнинг штат бўйича бўш бўлган лавозимда «вазифани бажарувчи» бўлиб ишлаб келиши мумкинлигини қонун ҳужжатларида учратмадик. Бундан ташқари, фақат банд бўлган лавозим эгаси меҳнат таътилига чиққан ёки хизмат сафари ва шу каби ўз вазифасини вақтинча бажара олмайдиган ҳоллардагина унинг вазифаси вақтинча бошқа бир ходимга юкланиши мумкинлигини билар эдик.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги 12-сонли қарорида вакант (бўш) ўринга ходим билан муайян, яъни вақтинча муддатга меҳнат шартномаси тузиш мумкин эмаслиги қайд этилади. Буни қарангки, Т. Алибаев бўш ўринда салкам 3 йил давомида вазифани бажарувчи бўлиб ишлаган, деган хулоса айнан суд ходимлари томонидан айтилмоқда!

Суд ҳужжатларида суриштирув бўлими бошлиғи лавозимига тайинлаш Давлат солиқ қўмитаси номенклатурасига киришлиги таъкидлансада, лекин вилоят ДСБ томонидан юборилган Т.Алибаевнинг номзодини ушбу лавозимга тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномалар ДСҚ томонидан тасдиқланмаган, яъни расмийлаштирилмаган, дейилади. Меҳнат Кодексининг 82-моддасида «Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошлаган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган, деб ҳисобланади» дейилган. Шу моддага кўра, Т.Алибаев бўлим бошлиғи, деб топилиши қонун талаби эмасми? Ёки салкам 3 йил «и.о» бўлиб ишлаганини қўмита раҳбарияти билмаган деб ўйлайсизми?

Ваҳоланки, ДСҚ раисининг яхши хизматлари учун Т. Алибаевга «Давлат солиқ хизматининг биринчи даражали маслаҳатчиси» махсус унвонини бериш ҳақидаги буйруғида ҳам у бўлим бошлиғи эканлиги эътироф этилган. Қолаверса, ДСҚ низомида бу махсус унвон фақатгина ДСҚ тасарруфидаги бўлим бошлиғи лавозимида ишлайдиган ходимларгагина берилиши кўрсатилади.

Ажабки, суриштирув бўлимига раҳбарлик қилиш билан бирга Т. Алибаев то ишдан бўшатилган кунга қадар бошқарма бошлиғи муовини вазифасини ҳам бажариб келган. Демак, Алибаев бир вақтнинг ўзида иккита лавозимда бажарувчи бўлиб ишлаган экан-да?.. Меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган бу ҳолатга суд нега ўз муносабатини билдирмади?

Аксинча, эътибор бериш у ёқда турсин, буйруқ кўчирмасини суд ҳужжатларига қўшмасдан Т. Алибаевга қайтариб юбораверди.

Ушбу ҳолатларга Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди судьяси Д.Абдуқодирова, Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича суди судлов ҳайъати судьялари Х. Ҳакимова, Ф. Хусанова, М. Миралимов ҳамда Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси нега эътибор бермади экан?

Учала инстанция судлари ҳам Т. Алибаевни у ишлаб келган лавозим гўё қисқаргани учун ишдан бўшатиш ҳақидаги Тошкент вилоят ДСБ бошлиғининг 02.06.2000 йили чиқарган 220-сонли буйруғини тўғри деб топди. Аввало, ушбу лавозимга тайинлаш ва бекор қилиш ДСҚ номенклатурасига кирса, бу буйруқни қандай қилиб қонуний деб баҳолаш мумкин? Қонун нуқтаи назаридан олиб қараганда ушбу ҳолатда иш берувчи Тошкент вилоят ДСБ бошлиғи эмас, балки республика ДСҚ раисидир.

Бундан ташқари, суд ҳужжатларида Т. Алибаевнинг ишдан бўшатилишига Вазирлар Маҳкамасининг 13.03.2000 йилдаги 87-сонли қарорига асосан чиқарилган ДСҚ раисининг 57-сонли буйруғига кўра, 10 фоизли қисқартиришни сабаб қилиб кўрсатилади. Расмий ҳужжатларда қайд қилинишича, суриштирув бўлимининг ходимлари сони ва бўлим бошлиғи лавозими умуман қисқартирилмаган бўлиб, фақат ДСҚ тасарруфидаги бир бошқармадан янги тузилган тезкор бошқарма таркибига ўтказилган, холос.

Ҳақиқатда қисқартириш ҳолати рўй берганида ҳам Т.Алибаевга аввалги лавозимига тенг лавозим берилиши қонунда белгилаб қўйилган-ку! Суд ҳужжатларида «таклиф этилган лавозимларни Алибаев рад қилган», деган важ бор. Лекин Алибаевга бош суриштирувчи, яъни оддий ижрочи ходим иши таклиф қилинган. Табиийки, бу таклиф Алибаев томонидан рад қилинган.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

ЗАНГИ ОТА МАҚБАРАСИ

ОРАДАН 800 ЙИЛ ЎТСА-ДА, ХАЛҚ КЎНГЛИГА ЧАРОҒОНЛИК БАХШ ЭТИБ КЕЛМОҚДА

Тошкент билан Янгийўл оралиғидаги қишлоқларнинг бирида Ҳазрати Занги отанинг марқадлари жойлашган бўлиб, у мусулмон дунёсида энг табаррук жойлардан бири саналади. Занги ота зиёратгоҳи марқад (қабр) ва кираверишдаги кичик бир масжиддан иборат. Мақбарани Амир Темур қурдирганлиги, масжид пештоқини эса 1420 йилда Мирзо Улуғбек тиклагани, умуман, Занги ота бобомизнинг ислом оламида улуғ мутафаккир, мутасаввуф донишманд эканлигини кўз олдимизга келтирсак, кеча — шўро даврида нақадар аянчли ва ғариб яшаганимизни англаймиз. Сабаби, ана шундай улуғвор ва бузруквор зот қабри, соҳибқирон Амир Темур қўли билан барпо этилган зиёратгоҳ, шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек улуши қўшилган ҳамда қанча-қанча соҳиби илмлар, дин пешволари учун табаррук саналган қадамжо ёпиб қўйилган, халқ онги ва шууридан «бекитиқча» сақланган.

Истиқлол муқаддас қадамжо мавжуд ҳудуддан «Қизил инқилобчи» номини олиб ташлади ва туманга табаррук Занги ота номи берилди. Бир пайтлар зўравонлик билан халқдан узоқлаштирилган аслият ўзига қайтарилди.

Хўш, кунига минглаб кишилар келиб, ҳақига дуо айлаб, зиёрат этадиган, орадан саккиз юз йил ўтса-да, халқнинг кўнглига нур, шуурига тиниқлик, қалбига осойишталик бахшида этган зот — Занги ота ҳақида нималарни биламиз?

Занги отанинг туғилган йили манбаларда ҳозирча учрамайди. Тарихий ҳужжатлар, у киши ҳақида ёзилган маълумотларда XII асрнинг охири XIII асрнинг бошларида таваллуд топган, деган хулосага олиб келади. У киши Шош (Тошкент) вилоятида туғилганлар. Ҳақиқий исми — Ойхўжа ибн Тож Хўжа. Занги ота, деб айтилишининг сабаби, у киши қора танли, яъни Арслонбоб авлодига мансуб, бақувват ва савлатдор киши бўлган. Қоралиги учун замондошлари Занги ота дейишган. У зот ҳазрат Яссавий хизматларида бўлиб, ундан тасаввуфий-маънавий таълим олган.

Занги ота нафақат Мовароуннаҳрда, балки Хуросонда ҳам машҳур зот ҳисобланган. Отаси Тож Хўжанинг вафотидан сўнг Хожа Аҳмад Яссавийнинг тўртинчи, юксак нуфузга эга шогирди Ҳаким ота ҳузурларига бориб, «Яссавия» тариқатини пухта ва мукаммал эгаллайди. Мазкур тариқатнинг илми зоҳирий (ошкора) ҳамда илми ботиний (ички) йўриқ-йўналишларини ўрганади. Ҳаким отадан етарлича сабоқ олган Занги ота (Ойхўжа) тасаввуфий-ирфоний илмларнинг муқтадир (етук) билимдонига айланади.

Занги ота зиёратгоҳига кираверишдаги девор пештоқидаги лавҳада ёзилишича, ҳамда у киши ҳаёти тўғрисида маълумот берувчи манбалар, жумладан, олимлар Турғун Файзиев ва Ориф Усмоновнинг ўлка тарихини ўрганувчилар учун мўлжалланган қўлланмасида шундай далилга дуч келамиз: Занги отанинг ҳаёти Мовароуннаҳр халқлари бошига тушган қора кунларга тўғри келди. Бу пайтда, XIII асрнинг йигирманчи йилларида мўғул истилочилари энг йирик шаҳар ва қишлоқларни қултепага айлантирган эдилар. Халқ қуллик исканжасида азоб чекарди. Уруш ва қирғинбарот олови сўнмаган, қанчалаб бегуноҳ кишилар, ёш-яланглар, ҳатто гўдаклар ҳам қиличдан ўтказилар эди. Ўлка қону зардоб қўлида ғарқ бўлаётган давр эди. Ана шундай пайтда Занги ота ўз халифалари билан бирга халқда қаҳрамонлик, ватанпарварлик туйғусини уйғота билганлар. Халқни умуминсоний ғоялар билан озиқлантириб, сира тушкунликка тушмаслик, жипслашиш ғояларини илгари сурганлар. Ботинан мукаммалликка эришган Занги ота ўз замонасининг чинакам халқпарвар ҳамда юртпарвар кишисига айланган.

Занги отанинг пири Ҳаким ота хусусида ҳам тўхталиш ўринли. Унинг асл исми Сулаймон бўлган. Тасаввуф дунёсининг кўзга кўринган йирик вакили, дунё тан олган шоир Сулаймон Боқирғоний ҳақида эшитгансиз, албатта. Яссавийнинг тўртинчи содиқ шогирди Ҳаким ота — ўша машҳур шоир Сулаймон Боқирғонийдир. Ҳаким у кишининг лақаби. У зот асли хоразмлик. Қорахитой тарларининг ҳукмдори Буғрохон (Бароқхон ҳам дейишади)нинг қизи, бағоят хушчирой, гўзал Анбар онага уйланган. Ҳаким ота қазо қилгач, унинг васиятига кўра, тул қолган Анбар онани шогирди Занги отага никоҳлаб беришади.

Бу хусусда халқ орасида кўп ривоятлар бор. Анбар она Занги отага турмушга чиққач, у киши билан Тошкентга келади. Улардан бир неча фарзандлар туғилади. Фарзандлар ҳам отаси сингари адолатли, билимли, халқни ёруғлик ва софлик сари бошлагувчи зиёли кишилар бўлиб улғайишади. Забардаст туркигўй Боқирғонийнинг йўл-йўриғини изчил ўзлаштирган Занги ота ҳам вақти келиб ана шу тариқат йўлида юқори маснадга эришди. Шунинг учун ҳам Занги ота Ҳимматий «Яссавия» тариқатининг йирик шайхи, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги буюк мутафаккир, атоқли мутасаввуф донишмандлардан бирига айланди. У кўп туркийзабон ва форсийзабон шоирларга тасаввуфий-ирфоний, маънавий жиҳатдан катта таъсир кўрсатган.

Яна Зангиота мақбараси қурилишига қайтайлик. Уни Амир Темур қурдирган, дедик. Мақбара лойиҳасига кўра, ер остидан пойдевор қўйилган. У ернинг юза қисмига бир газ чамаси кўтарилган. Мақбаранинг Амир Темур томонидан қурилиши ҳақида халқ орасида турли ривоятлар юради. Буюк жаҳонгир навбатдаги сафарга чиқаркан, йўл-йўлакай Занги ота қабрини зиёрат қилади ва сафардан қайтгач, мақбара қуришни дилига тугади. Нақл қилишларича, ўша атрофда тайёр ғишт бўлмаганлиги сабабли Самарқанддан то Зангиота қишлоғигача аскарлар саф туришади-да, ғиштни қўлма-қўл узатишади — шу тарика мақбара тикланади. Бошқа бир ривоятга кўра, Амир Темур Зангиота қишлоғида мақбара қуришни тўхтатиб, аввал Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавийга мақбара қуришни бошлаганлар. Соҳибқиронниг тушида Ҳазрати Занги ота бу ишни аввал пири бузруквор Хожа Аҳмад Яссавий зиёратгоҳидан бошлаш лозимлигини уқтирган эмиш.

Шўролар қатағонида зиёратгоҳ тазйиқ ва таъқибга учради: 1930 йилда ёпиб қўйилди, 1945 йилда эса расман очилган бўлса-да, 1946 йилда яна ёпилди. То истиқлолга қадар зиёратгоҳ таъқиб остида турди.

Бугун Занги ота зиёратгоҳидан одам аримайди. Тошкент шаҳридан Янгийўлга чиқадиган катта йўлнинг сўл томонидаги улуғ қадамжо, пири бузруквор маскан топган гўшадан нур таралади. Инсоният комиллигининг оташин тарғиботчиси, комил зот Занги ота мақбараси неча асрлардан бери зиёратчиларнинг кўнглига чароғонлик бахшида этаяпти, бизнинг улуғлигимиз, тарихимизнинг буюклигини, қадим маънавиятимиз чироғининг порлоқлигини дунёга кўз-кўз қилиб турибди.

■ Қўчқор НОРҚОБИЛ

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ШАХС

ЖАМИЯТ ВА МАФКУРА

МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР УЧ АСОСИЙ УНСУРНИ — МАФКУРАВИЙ ТАСАВВУРНИ, МАФКУРАВИЙ ТАЪСИРНИ, МАФКУРАВИЙ ФАОЛИЯТНИ ЎЗИДА МУЖАССАМЛАШТИРАДИ.

(«Мулоқот» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотининг соҳиби Барот БОЙҚОБИЛОВ билан Қарши давлат университети фалсафа кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Анвар ЧОРИЕВ суҳбати

Барот БОЙҚОБИЛОВ: — *Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг Миллий истиқлол мафкурасининг долзарб муаммоларига бағишланган бир қатор асарлари эълон қилинди. Президент асарларида олға сурилган ғоялар, мафкуравий қоидалар бугун фуқароларимизнинг маданий-маънавий мулкига, ҳаётий эҳтиёжига айланди. Президент фармойиши билан «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мамлакатимиз таълим тизимига алоҳида фан қилиб киритилди. Ўзбекистон мустақиллиги арафасида дунёга келган «Мулоқот» журнали ижодий жамоаси ҳам миллий истиқлол мафкурасининг илғор ғояларини тарғиб қилишда журнал таҳририяти атрофида уюшган, мамлакатимизнинг таниқли олимлари, фан ва маданият арбоблари билан фидойилик кўрсатмоқда.*

Анвар ЧОРИЕВ: — Аввало шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, миллий истиқлол ғоясини фуқаролар онгига сингдиришда мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилаётир. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ҳузурида ташкил этилган махсус методологик комиссиянинг, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг фаолияти диққатга сазовордир. Лекин, ғоявий-мафкуравий жараёнлар самарадорлигини ошириш борасидаги ишларимизда ечимини кутаётган муаммолар кўп. Тўғрисини айтсам, кейинги пайтларда ғоявий-мафкуравий жараёнлар ҳақида матбуот саҳифаларида эълон қилинаётган айрим мақолаларда, радио-телевидениедаги эшиттириш ва кўрсатувларда, ўқилаётган маърузалардаги назарий-методологик камчиликлар мени безовта қилаётир.

Б.Б. *Фикрларингиздан шуни илғаб олдимки, ғоявий-мафкуравий жараёнлар ҳақида мулоҳаза юритаётганда ҳар бир тарғиботчи, ҳар бир ташвиқотчи, ҳар бир тадқиқотчи, энг аввало, аниқ методологик таянчга, назарий асосга эга бўлишлари лозим. Модомики, шундай экан, методология деганда нимани тушунмоқ керак? Ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг назарий-методологик муаммоларини тадқиқ этиш бугуннинг талабларига жавоб берадими?*

А.Ч. Бизнинг фикримизча, методология инсон назарий ва амалий фаолиятини тўғри, оқилона ташкил этиш, уни пухта йўлланган, ҳар томонлама чуқур илмий асосланган, аниқ мақсад томон бошқариш йўллари ҳақидаги таълимотдир. Аниқроқ қилиб айтганимизда «ишнинг ўзи» ҳақидаги йўл-йўриқлар, кўрсатмаларнинг йиғиндиси эмас, балки уни амалга ошириш, турмушга татбиқ этиш услублари, усуллари ҳақидаги таълимотдир. Боболаримиз сўзлари билан айтганимизда, методология «ишнинг ўзи» эмас, «унинг кўзи»дир.

Методология фақат инсон назарий ва амалий фаолиятини тўғри ташкил қилиш йўллари, услублари ва усулларини мужассамлаштириш билан кифояланиб қолмайди, балки ўзга тушунчаларни, принципларни, муаммоларни ва ёндашувларни ҳам бирлаштиради. Бошқача айтганимизда, методология деганда нафақат услуб ёки усул, балки тушунчалар, принциплар, муаммоларни, ёндашувлар йиғиндиси, уларнинг яхлит тизими тушунилади. Методология ҳақида гапирганда, бир нарсани унутмаслик зарурки, у ҳар қандай йўл-йўриқлар, услублар ва усулларнинг йиғиндиси эмас, балки энг умумий, энг универсал услублар ва усуллар, йўл-йўриқларнинг умумий ифодасидир. Худди шунинг учун ҳам ҳар қандай услуб ёки усул, ҳар қандай йўл-йўриқ методология бўлавермайди. Алқисса, миллий истиқлол ғоясини фуқаролар онгига сингдириш учун, ушбу жараён ташкилотчилари чинакам илмий методологияга асосланмоғимиз зарур.

Б.Б. *Ғоявий-мафкуравий жараён ташкилотчилари ва тарғиботчиларини, тадқиқотчиларини ким, қайси илмий муассаса тўғри илмий методология билан қуроллантириши керак? Қандай илмий ташкилот бундай ўта масъулиятли, ўта оғир вазифа билан шуғулланади? Ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг долзарб муаммолари билан шуғулланаётган олимлар, кафедралар, илмий муассасалар ҳақида биронта ташкилотда аниқ ҳисоб-китоб борми? Уларнинг илмий-тадқиқот ишларини биронта ташкилот мувофиқлаштирадими? Бу борада республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг фаолияти бугуннинг талабига жавоб берадими? Ва ниҳоят, мафкура ходимларини тўғри илмий методология билан қуроллантириш ишларини нимадан бошлашимиз зарур? Сиз, ёшлар, инсон, тарбия, мафкура муаммоларини кўп йиллардан буён ўрганиб келаётган тадқиқотчи мутахассис сифатида, қолаверса, бир неча йилдан буён узлуксиз миллий истиқлол мафкураси муаммолари билан шуғулланиб келаётган муаллиф сифатида бу ҳақда нималар дея оласиз?*

А.Ч. Менимча, ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг долзарб муаммоларини ўрганувчи тадқиқотчилар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, улар фаолиятларини ягона мақсад томон йўналтириб туриш, моддий-маънавий рағбатлантириш, маънавият-маърифат, тарбия-мафкурага оид энг сара ишларни нашрга тавсия этиш мақсадида «Маънавият ва маърифат» Кенгаши тузилган, махсус нашриёт ташкил этилган эди. Ҳойнаҳой, бундай юмушлар уларнинг иши бўлса керак. Миллий мафкура, ижтимоий тарбия муаммоларини ўрганаётган тадқиқотчиларни улар излаб топишлари зарур, деб ўйлайман.

(Давоми 4-бетда)

ТАШКИЛОТ РАҲБАРИ ЎЗГАРДИ

Аргентиналик дипломат Рожелио Пфайртер кимёвий қуролларни тақиқлаш бўйича халқаро ташкилотга раҳбар этиб тайинланди.

145 та давлатни ўзига бириктирган бу ташкилотнинг аввалги раҳбари бразилиялик Жозе Бустани АҚШ томонидан қаттиқ танқидга учраган эди. Шунинг учун уни лавозимдан бўшатиш масаласи кун тартибига қўйилганди.

Янги раҳбар Пфайртер аввалари ядро хавфсизлиги бўйича Аргентина агентлигини бошқарган, 5 йил давомида Аргентинанинг Буюк Британиядаги элчиси бўлиб ишлаган, шунингдек, бир қатор дипломатик вазифаларда фаолият юритган.

БЕШ ЙИЛГА ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Вьетнам давлати бошлиғи Чан Дик Лионг яна беш йилга мамлакат президенти этиб қайта сайланди. Мутахассислиги геолог бўлган Чан Дик Лионг 1997 йил сентябрдан бери мамлакатни бошқариб келмоқда.

ЛАВОЗИМДАН КЕТМОҚЧИ ЭМАС

Туркия бош вазири Бюлент Эжевит ўз ваколат муддати тугамай туриб, бош вазирлик лавозимидан кетмоқчи эмаслиги борасида баёнот берди.

У оппозициянинг мамлакат парламенти сайловларини муддатидан аввал ўтказиш тўғрисидаги таклифига қарши чиқмоқда. Бироқ агар бу таклифни Мажлиснинг амалдаги таркиби бир овоздан маъқулласа, у ҳолда истеъфога чиқмай иложи йўқлигини айтди.

ЯНГИ ТУРДАГИ САМОЛЁТ

Франциянинг «Dassault» авиақурилиш компанияси раҳбарияти кейинги беш йилда товушдан тез учувчи «бизнес-класс» русумидаги йўловчи ташувчи самолёт яратиш борасидаги режасини маълум қилди. Жан Росанваллоннинг айтишича, кейинги 10 йилда ушбу турдаги самолётларни ишлаб чиқариш учун 50 миллиард доллар атрофида инвестиция жалб этилиши кўзда тутилган. Компания раҳбариятининг фикрига кўра, бугунги кунда товушдан тез учувчи йўловчилар ташувчи самолётларга эҳтиёж сезилмоқда. Шунинг учун ҳам компания бу борада 1997 йилиёқ ишга киришган эди. Аммо икки йиллик илмий тадқиқотлардан сўнг, яъни 1999 йили техник мураккабликлар борлиги сабабли лойиҳа ишлари тўхтатиб қўйилган эди.

Шу кунларда йўловчилар ташувчи товушдан тез учувчи амалдаги ягона самолёт Франция — Британия ҳамкорлигида яратилган «Concorde»нинг ўзидир.

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

«ИО» РАҲБАР

ТАЖРИБАЛИ МУТАХАССИС ҚАНДАЙ ҚИЛИБ «ҚИСҚАРИШ»ГА ТУШГАНИ ҲАҚИДА

Қизиқ ҳолат шуки, Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 4-бандига кўра, ДСҚнинг буйруғига асосан суриштирув бўлими бошлиғи вазифасидан бўшатилган А. Зоидов роппароса 4 ойдан сўнг (21.04.2000) қўмитанинг буйруғи билан Т. Алибаев ўрнига ишга тайинланган. Шу ҳолатнинг ўзиёқ суриштирув бўлими бошлиғи лавозими қисқармаганини исботлайди. Битта лавозимда 2 та суриштирув бўлим бошлиғи бир ярим ой, яъни 2 июнгача бирга ишлаши қулгили, қолаверса, ноқонуний ҳолат эмасми?

Т. Алибаевнинг таъкидлашича, «қисқартириш» унга қаратилганлигининг сабаби бор...

«1997 йил ноябрь ойи бошида бўлимни қабул қилиб олганимда кўрсаткичлар республика миқёсида сўнгги ўринларда эди. Ҳаттоки, ўша йилнинг 10 ойи мобайнида биронта ҳам маъмурий ёки жиноят иши юритилмаган экан, — деб ҳикоя қилади Т.Алибаев. — Ўтган 3 йил давомида бўлимимиз кўрсаткичлари анча юқори кўтарилди. Лекин сўнгги йилларда вилоятдаги раҳбарлар, хусусан, бошқарма бошлиғи А.Ҳакимов ва бошқарманинг режим бўйича муовини А.Розиходжаев билан орамизда ола мушук оралаганди.

...1998 йилнинг охирларида А.Розиходжаев бўлимга ишга олиш учун Р.Ҳамидуллаев деган шахсни тавсия этди. Муқаддам судлангани учун Р. Ҳамидуллаевни ишга қабул қилмадим. Бундан, А.Розиходжаевнинг жаҳли чиқди ва Р. Ҳамидуллаевни ўз қўл остидаги «хавфсизлик бўлими»га тезкор ходим вазифасига ишга қабул қилди.

Бошқарма бошлиғи эса процессуал масалаларга аралашиб, ноқонуний топшириқлар бера бошлади. Масалан, Ангрен шаҳар «Саноатқалинқоғозсавдо» ҳиссадорлик жамиятида 1999 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида 6706892 сўм савдо пуллари назорат кассасидан ўтказилмасдан маҳсулотлар тўғридан-тўғри омборхонанинг ўзидан сотилганлиги аниқланди. Лекин А.Ҳакимов фақат сотувчи С.Худойбергановага нисбатан жиноят иши қўзғатишни талаб қилди. Бу ҳолатда корхонада тўлиқ текшириш ўтказиб, асосий қонунбузарларнинг ҳаракатларига баҳо бериш кераклиги ҳақидаги талабларимга жавобан ДСҚ раҳбариятида мен тўғримда ёмон фикр уйғотиши мумкинлигини айтиб, дағдаға қилди. Натижада, фақат оддий ходим С. Худойбергановa жазо олиб, асосий ташкилотчилар — корхона раҳбарларининг жиноятини яширилди.

Шунингдек, А. Розиходжаев «Комсар» корхонасида ўтказилган текширув ҳужжатлари юзасидан суриштирувчилар ва менинг шаънимни асоссиз қораловчи хизмат текшируви хулосасини ҳуқуқшунос бўлмаса-да, шахсан ўзи тайёрлади. Мана шундан сўнг вилоят прокуратураси ходимлари ушбу корхонага тегишли ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суриштирув бўлими ходимлари камчиликка йўл қўймаган, деган хулосага келди.

2000 йили январь ойида ДСҚ махсус комиссияси томонидан Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармасида ялпи текширув ўтказилди. Унинг якуни бўйича маъмурий амалиёт ва суриштирув соҳасида ижобий ютуқларга эришилгани қайд этилиб, далолатнома тузилган эди. Шунга қарамасдан негадир, ялпи текширув натижаси бўйича хато-камчиликларга йўл қўйган айрим раҳбар ходимларни жазолаш тўғрисидаги ДСҚ раисининг 46-сон буйруғига мен ҳам асоссиз киритилиб, «ҳайфсан» интизомий жазосини олдим».

Бундай тазйиқлардан безор бўлган Т. Алибаев ўша вақтдаги ДСҚ раиси С. Алимбаевга 29.01.2000 йили билдирги билан мурожаат қилган. Жавоб бўлмагач, яна 2 марта янги раис Б. Хўжаев номига ҳам билдирги юборди. Охирги билдирги асосида хизмат текшируви ўтказилиб, Т. Алибаевга «ҳолатлар қисман тасдиқланди», деган жавоб берилди.

Т. Алибаев 20 йилдан ортиқ ички ишлар соҳасида, 7 йил солиқ идораларида хизмат қилди. Солиқ тизими шаклланаётган дастлабки кунлардан бошлаб, расмий сўров асосида Ички ишлар вазирлигидан ДСҚга ишга ўтказилиб, қўмитада суриштирув бўлими бошлиғи муовини лавозимида, сўнг вилоят ДСБ суриштирув бўлимида бошлиқ бўлиб ишлади. Шундай амалий тажрибага эга бўлган ходимнинг шаъни, тақдири қўмита раҳбариятини бефарқ қолдираётганини қандай тушунмоқ керак?

Биз қайд этган ҳолатлар бўйича расмий ҳужжатларни Т. Алибаев судларга ҳам тақдим этган. Лекин, судьялар бу далолатномаларга қонуний баҳо бермаган кўринади. Ахир қонун олдида ҳар бир фуқаро тенг эмасми? Фалон идора шаъни ёки фалончиевнинг обрўси қонундан ҳам юқори турадиган замонлар ўтиб кетган-ку. Амалга оширилаётган суд ислоҳотларининг заминида барчанинг ҳақ-ҳуқуқларини баробар ҳимоя қилиш ётмайдими?

■ Акбар ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

РЕФЕРЕНДУМ ОКТЯБРДА ЎТКАЗИЛАДИ

Ироқ матбуотида тарқатилган хабарларга кўра, мамлакат Президенти Саддам Ҳусайннинг президентлик ваколатини яна 7 йилга узайтириш бўйича умумий референдум шу йил октябрда ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Айни пайтда Саддам Ҳусайн Ироқ президенти бўлиш билан бирга инқилобий қўмондонлик кенгашининг раиси, маршал, шунингдек, «Баас» ҳукмрон партиясининг бош котиби ва мамлакат бош вазири ҳамдир. У 1979 йили отасидан сўнг ҳукумат тепасига келган. 1995 йили президентлик ваколатини узайтириш бўйича ўтказилган референдумда мамлакат фуқароларининг 99 фоизидан ортиғи унга овоз берган.

Яна шуни таъкидлаш керакки, яқинда Ғарб матбуоти «Саддам Ҳусайн ўзининг тўнғич ўғли фойдасига президентликдан воз кечиши» ҳақида хабар тарқатди. Бу билан Саддам Ҳусайн қалтислашиб бораётган мамлакатнинг АҚШ билан муносабатини бироз юмшатишга ҳаракат қилаётгандир, дейишмоқда сиёсатдонлар.



Япония. Осака шаҳрининг бугунги кўриниши

ЯШИРИНИБ ЮРГАН БЎЛИШИ МУМКИН

АҚШ Мудофаа вазирлигининг маълумотларига қараганда, ҳозир Афғонистон ва унинг Покистон билан чегарадош ҳудудларида «Ал-Қаида» гуруҳининг бир неча мингга яқин аъзоси яшириниб юрган бўлиши мумкин. Пентагонда бўлиб ўтган матбуот анжуманида АҚШ қуролли кучлари вакили Жон Роса шундай деди.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ТОМАС ГОББС – ИНГЛИЗ ФАЙЛАСУФИ. 1588 - 1679 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

♦ Мен шубҳа қилмайманки, агар учбурчакнинг учта бурчаги тенг томонли тўртбурчакнинг иккита бурчагига тенг эканлиги тўғрисидаги ҳақиқат кимнингдир ҳокимиятга эгалик ҳуқуқига ёки ҳокимиятдагиларнинг манфаатларига зид келганида эди, унда, бу манфаатлари мазкур ҳақиқат томонидан ранжитилганларнинг ихтиёрида бўлганлиги боис, геометрия таълимоти, мабодо, рад этилмаган тақдирда ҳам, геометрияга оид барча китобларни ёқиб юбориш билан, сиқиб чиқарилган бўларди.

♦ Агар геометрик аксиомалар одамларнинг манфаатларига тегиб кетганларида эди, улар рад этилган бўлардилар.

♦ Фалсафанинг асоси — геометрия ва физика.

♦ Инсоннинг биронта ҳам хатти-ҳаракати тўғрисида, бу қанчалик тўсатдан юз бермасин, у ўйламасдан қилинган, деб айтиш мумкин эмас. Чунки, фараз қилинадики, бу одам, ўзининг бутун олдинги ҳаёти давомида, шу хилдаги хатти-ҳаракатни қилиши керак ёки нокераклиги ҳақида ўйлаш учун етарли вақтга эга бўлган.

♦ Севги инсоннинг, унинг ўзига тортаётган кишига нисбатан, эҳтиёжлари хусусидаги тасаввурларидир.

♦ Гўзаллик — бахт ато қилинишига ваъда.

♦ Фалсафа — сабаблар ҳақидаги ёки «нима учун?» тўғрисидаги фан.

♦ Ҳис-туйғулар «нима?» деган саволга жавоб берадилар.

♦ Билим кучга томон йўлгинадир.

♦ Мабодо, кимдир, бошқаларга қараганда, ҳайратланувчанликка мойил бўлса, у ёки кам билимга эга, ёинки, унинг ақли, бошқаларга қараганда, ўткирроқ.

♦ Диннинг табиий сабаби — келажак хусусидаги ташвиш.

♦ Сўзлашишнинг табиий ибтидоси — одамлар ўзбошимчалигининг натижаси.

♦ Ишончлилик нуқтаи назаридан олинган далиллар нимани билим, нимани эса илм бўлишини белгилайдилар.

♦ Ўзни асраш барча неъматлардан энг улуғидир. Негаки, табиат ҳаммани ўзига яхшиликни хоҳлайдиган қилиб яратган.

♦ Муҳтожлик, беақллиликка қараганда, камроқ шармандаликдир...

♦ Адашиш уятли эмас, негаки, бу ҳамма кишиларга хос. Бироқ олимга, ҳаддан кўп адашиш ярашмайди, чунки, бу унинг қисматига зиддир.

♦ Ҳар қандай маънавий ҳузур ва қувонч шундаки, одам ўзига ўхшаганлар жамоасида, ўзини бошқалар билан таққослаб, ўз кўзи ўнгида улғайиши мумкин.

♦ Табиат одамларни жисмоний ва ақлий қобилиятлар жиҳатидан тенг қилиб яратган.

♦ Одамнинг табиатида урушнинг учта асосий сабаблари мавжуд: рақобатчилик, ишончсизлик ва шон-шуҳратга ташналик.

♦ Халқ — азамат йигит, аммо, қитмир.

♦ Одамлар, уларнинг барчасини қўрқувда ушлаб турувчи, умумий ҳокимиятсиз яшар эканлар, улар уруш деб аталувчи ҳолатда бўладилар, ва айни ҳамманинг барчага қарши уруши ҳолатида.

♦ Фақат давлатда фазилатлар ва нуқсонларни ўлчаш учун умумий миқёс мавжуд бўлади. Ҳар бир давлатнинг қонунларигина худди шундай миқёс бўлиб хизмат қиладилар.

♦ Давлатнинг хусусиятларини билиш учун, авваламбор, одамларнинг майллари, жазаваларй ва феъл-атворларини ўрганмоқ зарур.

♦ Олий ҳокимият унда кенг кўламдаги йиғинга тааллуқли бўлган ҳар қандай давлат уруш ва тинчлик ҳамда қонунларни тузиш масалаларида шундай ҳолатда бўладики, худди олий ҳокимият гўдакнинг қўлида эканидай...

...Гўдакнинг васийга ёки ҳомийга, унинг шахси ва ҳокимиятининг қўриқловчисига муҳтож бўлганидай, худди шунингдек, олий йиғин ҳам (катта давлатларда) катта хавф-хатарлар ва нотинчликлар пайтида ҳукмдорга, ёки ўз ҳокимиятининг қўриқчисига муҳтож бўлади.

♦ Олий ҳукмдорнинг ҳокимияти давлатда мутлақ бўлмоғи лозим.

♦ Давлат яхлит шахс бўлиб, одамларнинг катта кўпчилиги, ўзаро шартнома йўли билан, унинг хатти-ҳаракатлари учун ўзларини масъул қилганларки, токи мазкур шахс уларнинг осойишталиги учун уларни барчасининг куч ва воситаларини, ўзи хоҳлагандай, ишга сола олсин.

♦ Мен ўз юкимни ўзим тортаман ва ҳасадларга шикоят йўлини тутмайман, балки, яхшиси, танлаган йўлимдан олға бориб, ҳасадгўйлардан қасдимни оламан.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

***Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.**



■ **Р. ШАГАЕВ олган сурат**

SPORT

ФУТБОЛ

Шу кунларда мамлакатимиз миллий терма жамоаси Пусанда ўтадиган XIV Осиё ўйинларига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Ўзбекистон футбол федерациясидан олинган маълумотларга қараганда, терма жамоамиз таркибини асосан ёшлар ташкил этади. Қитъа олимпиадаси, деб эътироф этилаётган Осиё ўйинларига легионерларимиздан фақат Россиянинг «Лада»(Тольятти) клубида тўп сураётган Владимир Шишелов жалб этилади.

Бугун марказий «Пахтакор» ўйингоҳида вакилларимиз сўнгги жаҳон чемпионати кашфиёти ва учинчи ўрин соҳиби Туркиянинг ёшлар терма жамоасига қарши халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказишади. Шунингдек, Ўзбекистон миллий терма жамоаси августда Бокуга сафар қилади. У ерда футболчиларимиз Озарбайжон терма жамоаси билан куч синашадилар.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Ямайканинг Кингстон шаҳрида ўсмирлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Ушбу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз ҳам муваффақиятли қатнашдилар.

Ўнкураш бўйича ўтган баҳсларда пойтахтлик Леонид Андреев энг юқори кўрсаткичга эришиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Спортчиларимиз эртага юртимизга қайтиб келишади.

САМБО

Россиянинг Владивосток шаҳрида аёллар ўртасида Осиё чемпионатига якун ясалди. Россия, Япония, Қозоғистон, Туркманистон, Хитой, Монголия давлатлари самбочилари билан бир қаторда вакилларимиз ҳам гиламга чиқишди.

Қитъа чемпионатида спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди. Шахсий баҳсларда Марина Қодирова олтин ва бронза, Марина Малькова, Дилором Қамбаровалар кумуш, Гулмира Жалолова(иккита), Улдона Қосимовалар бронза медалларини қўлга киритишди.

Шунингдек, чемпионат якунлангач, Владивосток суперкубоги халқаро турнири ўтказилди. Бу мусобақаларда ҳам кўтаринки руҳда иштирок этган самбочиларимиздан Дилором Қамбарова кумуш, Оксана Зубько, Марина Қодирова, Марина Мальковалар бронза медаллари соҳибаси бўлишди.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ШАХС

ЖАМИЯТ ВА МАФКУРА

(Давоми. Боши 3-бетда)

Маънавият, мафкура муаммоларига тааллуқли, вилоятларда бажарилган тадқиқотлар асосида тайёрланган ишларни, ҳатто давлат тасарруфида бўлган нашриётлар ҳам «китобни чоп этиш учун ҳомий топиш зарур» деган баҳона билан мавзулар режасига киритмаётирлар.

Энди саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, мафкура ходимларини чинакам илмий методология билан қуроллантириш ишларини, энг аввало, ғоявий-мафкуравий жараёнларни ўзида акс эттирган тушунчалар аппаратини (М: «мафкуравий тасаввур», «мафкуравий таъсир», «мафкуравий фаолият», «миллий ғоя», «миллий истиқлол ғояси» ва ҳоказо), принциплар (М: «системалилик», «сабабият», «ўзаро алоқадорлик», «изчиллик», «оммавийлик», «тарихийлик» ва ҳоказо), муаммолар, ёндашувларни моҳият ва мазмунини очиб беришдан бошлашимиз керак. Ўша тушунчалар, принциплар, ёндашувларга таяниб ғоявий-мафкуравий жараёнларни ҳар томонлама таҳлил қилишимиз зарур. Ёки ушбу методологик муаммолар ечимига бағишланган махсус давра суҳбатлари, мутасадди илмий муассасалар, «Маънавият ва маърифат» Кенгаши билан ҳамкорликда махсус конференция чақириб, ягона тўхтамга келиши зарур, деб ўйлайман. Назарий-методологик позициямиз аниқ бўлса, ғоявий-мафкуравий жараёнлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларимиз ҳам тиниқ ва равон бўлади.

Б. Б. *Сизнинг фикрингизча, ғоявий-мафкуравий жараёнларни таҳлил қилишда методологик таянч вазифасини бажараётган қандай тушунчаларни қўллашда камчиликлар юз бермоқда? Бир-иккита аниқ мисол айтиб бера олмайсизми?*

А. Ч. Албатта, айтиб бераман. Ҳеч кимга сир эмас, ғоявий-мафкуравий таъсир ёрдамида фуқаролар, айниқса, ёшлар онги ва шуурига миллий истиқлол ғояларини сингдирмоқчимиз, уларнинг дунёқарашини ўзгартирмоқчимиз. Аниқроқ қилиб айтганимизда, гуманистик типдаги янги дунёқарашга эга бўлган авлодни шакллантирмоқчимиз. Шундай экан, бундай мураккаб вазифани уддалашга киришган мафкура ходими «дунёқараш» тушунчасининг мазмун ва моҳиятини, унинг таркибий структурасини аниқ билиши зарурми? Зарур. Афсуски, мамлакатимизнинг журнал ва газеталарида «дунёқараш»нинг структурасини аниқ билмасдан туриб, уни ўзлаштириш тўғрисида бот-бот гапираётирлар. Ахир дунёқараш, билим, эътиқод ва хулқ-атвор заминида шаклланади. Бошқача айтганимизда, билим эътиқод, хулқ-атвор, дунёқарашни вужудга келтирувчи энг асосий структуравий унсурлардир. Бундай унсурларсиз дунёқараш ҳосил бўлмайди.

Худди шундай назарий-методологик ноаниқликлар: «маданият» ва «маънавият», «руҳият» ва «маънавият», «онг» ва «дунёқараш», «маънавият» ва «қадрият» тушунчаларининг мазмун ва моҳияти, уларнинг бирининг иккинчисига нисбатан эгаллаб турган ўрни (илмий субординацияси), улар орасидаги диалектик алоқадорлик механизмини таҳлил қилишда яққол намоён бўлмоқда.

Б. Б. *Ғоявий-мафкуравий жараёнлар таъсири самарадорлигини ошириш учун, шубҳасиз, бундай мураккаб механизмни нафақат тиниқ, балки яхлит тасаввур қилиш зарур. Бундай тасаввурга эга бўлиш учун ўша доимий ҳаракатда бўлган ижтимоий занжирни ҳосил қилган қисмлар, бўлаклар, бошқача айтганимизда, структуравий унсурларни аниқ билмоқ зарур. Бундай аниқ тасаввурга эга бўлмаган мафкура ходимининг гаплари қуруқ, самарасиз, фикр-мулоҳазалари ғоявий-мафкуравий воқеликдан ажралиб қолади, деб ўйлайман.*

А. Ч. Жуда тўғри. Ғоявий-мафкуравий жараёнлар жуда мураккаб феномен. Баъзи бировлар ўйлаганидек, бир уриниш билан, бир мақолада ёки бир суҳбат давомида осонгина тушунтириш мумкин бўлган муаммо эмас. Аввало, шуни эсдан чиқармаслик зарурки, юқорида эслатиб ўтганимиздек, ғоявий-мафкуравий жараёнлар ҳақида гапирганда, фикр-мулоҳазаларимиз инсон онги ва фаолияти, дунёқарашига, уни ўзгартиришга бориб тақалади. Маълумки, ғоя мафкура туфайли ҳаракатга келади. Кишилар онги ва фаолиятига сингдирилади. Лекин, ғоясиз мафкура яшай олмайди. Чунки, ғоя мафкуранинг мағзини ташкил этади. Лекин, бундан мафкуравий таъсирнинг ўзига хос хусусияти бўлмайди, деган хулоса келиб чиқмаслиги даркор. Менинг фикримча, мафкуравий жараёнлар уч асосий унсурни — мафкуравий тасаввурни, мафкуравий таъсирни, мафкуравий фаолиятни ўзида мужассамлаштиради. Худди шу уч асосий унсур ягона бутунга бирлашиб, мафкуравий муносабатлар тизимини вужудга келтиради. Ушбу унсурлар орасида ўзаро алоқадорлик қанча бақувват бўлса, мафкуравий муносабатлар жараёнининг самарадорлиги шунча баланд бўлади.

Б. Б. *Мафкуравий жараёнларнинг энг муҳим унсурларидан бири ҳисобланган мафкуравий таъсир самарадорлигини ошириш учун нималарга эътиборни қаратиш лозим?*

А. Ч. Мафкуравий таъсир — мафкуравий жараённинг энг муҳим структуравий унсурларидан биридир. Мафкура икки асосий: «тўғридан-тўғри», яъни бевосита ва ўзаро алоқадорликка асосланган билвосита омиллар ва воситалар ёрдамида амалга оширилади. Мафкуравий таъсир самарадорлиги унинг объекти ва субъектига боғлиқ бўлади. Чунончи, мафкуравий таъсир самарадорлиги унинг ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг (объект) маълумот даражаси, маданий-ахлоқий савиясига боғлиқ бўлса, ўз навбатида, мафкуравий идоралар, муассасалар, тарғиботчи ва ташвиқотчилар (субъект) амалга ошираётган мафкуравий тадбирлар мазмуни ва шаклига, мафкура ходимларининг профессионал маҳоратига, уларнинг инсоний фазилатлари, хислатларига боғлиқ бўлади.

Мафкуравий таъсир ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг маълумот даражаси, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий савияси қанча баланд бўлса, самарадорлик ҳам шунча юқори бўлади. Ўз навбатида, бу самарадорлик, мафкуравий таъсир объекти билан унинг субъекти орасидаги ўзаро алоқадорлик механизмининг мустаҳкамлигига ҳам боғлиқ. Бундай ўзаро алоқадорлик механизмининг мазмунида бири-бирига ўргатиш, бири-биридан ўрганиш, бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд бўлиш принципи ётмоғи даркор. Ана ўшанда ҳар бир киши мафкуравий таъсир доирасида фаолият кўрсата бошлайди.

Б. Б. *Миллий истиқлол мафкурасининг мақсади ва вазифаларини баён қилишда ҳам нуқсонлар бор. Миллий истиқлол мафкурасининг мақсади ва вазифалари ҳақида фикр-мулоҳаза юритишдан аввал, назаримда, «мақсад» деган тушунчанинг мазмун ва моҳиятини, ўша тушунча ўзида акс эттирадиган реалликни тиниқ тасаввур этишимиз даркор. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ қучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, элюртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни халқ, миллатни миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин».*

Байроғида ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати, фаровон яшаши учун реал шарт-шароит яратишга қаратилган инсонпарвар, демократик жамият, ҳуқуқий давлат ана шундай олийжаноб мақсадни рўёбга чиқаради. Бас, шундай экан, истиқлол мафкурасининг асосий мақсади инсонпарвар, демократик жамият, ҳуқуқий давлат қуришдек ягона умуммиллий ғоя атрофида фуқароларни бирлаштиришдан иборатдир. Бундай қудратли умуммиллий ғоя ва жаҳоннинг барча прогрессив халқлари, миллатларнинг орзу-истаклари бўлган ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, диний бағрикенглик каби умуминсоний ғояларга таянади, ундан озуқа олади.

Миллий истиқлол мафкурасининг мақсадидан, турган гапки, унинг вазифаси келиб чиқади. Инсонпарвар, демократик жамият қураётган Ўзбекистон шароитида миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифаси: жисмоний бақувват, маданий-маънавий етук, руҳан тетик, мустақил фикрлаш, ишлаш ва яшаш қобилиятига эга бўлган, замонасининг илмий-техника тараққиёти талабларига мос баркамол инсонни шакллантиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Давлат, жамият манфаатларини тўла тасаввур этувчи, миллий ғурури баланд, чинакам ватанпарвар, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзининг кундалик амалий фаолиятида мужассамлаштирган ва унга доимо тўла амал қилувчи халқ, миллат манфаатини ўз манфаатидан устун қўювчи баркамол инсон шахсини тарбияламасдан туриб, давлатимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари даражасига кўтариб бўлмайди. Келажаги буюк давлатни қурмоқ учун фидойи кишилар, ўз юртига, ўз халқига, мустақиллик ғояларига содиқ ва садоқатли баркамол авлод керак.

■ **Суҳбатни Шоҳруҳ ТЎРАХОНОВ ёзиб олди**

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

ҚИЁСИЙЛИК ВА МАНТИҚ КУЧИ

«Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислоҳотлар даври»

Мустақиллик йилларида суд ҳокимияти узлуксиз такомиллашиб келмоқда. Бинобарин, амалга оширилган ислоҳотлар мазкур тизим фаолиятини янги босқичга олиб чиқди, десак муболаға бўлмас.

«Адолат» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислоҳотлар даври» номли китоб ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жамиятимиз қиёфасини янгилаш баробарида фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида янги даврни бошлаб берганидан гувоҳлик беради. Адлия вазири А.Полвонзода раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи тоталитар тузум шароитида суд ҳукмрон партиянинг ноқонуний тазйиқлари исканжасида қолиб кетганлиги хусусида тўхталар экан, демократик бошқарувга хос бўлмаган бу ҳолат келтириб чиқарган салбий оқибатларни асосли таҳлил этади. Таъкидланадики, сиёсий хилма-хиллик (плюрализм), ҳокимият бўлиниши тамойили мавжуд бўлмаган шароитда суд-ҳуқуқ тизими том маънода мустақил бўла олмайди.

Китобда қаламга олинган ҳар бир мавзу қиёсийлик ва мантиқий таҳлилга асосланган. Муайян бир мавзу атрофида фикр юритилар экан, унинг ўзига хос жиҳатлари, аҳамияти ва уни такомиллаштириш йўл-йўриқлари кўрсатиб ўтилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, китобда суд ҳокимиятининг янги тузилмалари (Конституциявий суд, хўжалик ва ҳарбий судлар) фаолиятига оид маълумотлар, суд ҳокимиятининг ташкил этилиши ва амал қилиш асосларини белгиловчи бир қатор қонун ҳужжатлари, Низом ва қарорлар илова қилинган. Буларнинг барчаси ўқувчи ҳуқуқий маданияти ривожига хизмат қилади.

Биз ҳуқуқий демократик давлат қуряпмиз. Ҳуқуқий давлат ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий савиясига таянади. Шу нуқтаи назардан ёндашилса, «Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислоҳотлар даври» китобининг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

■ **Турсун АЛИ, Шуҳрат ОРИФ**

ЭКОЛОГИЯ

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкентда «Илм-фан — барқарор тараққиёт мақсадида» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ва «ЭКОСАН» Тошкент клуби томонидан ташкил этилган анжуманда атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар, эколог олимлар иштирок этишди.

Конференцияда Ўзбекистон ва Марказий Осиёда барқарор ривожланиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишда фаннинг ўрни, илмий салоҳиятни ошириш ва уни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Унда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда экологик хавфсизлик, атроф-муҳит ва табиий заҳиралардан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш бўйича илмий изланишларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Конференцияда шунингдек, иқлим, ер ва табиий ресурслар муаммолари ва уларни бартараф этиш масалалари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Фарғона давлат университети томонидан 2002 йилда Аббазов Оҳунжон Каюмжонович номига берилган В №004922 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабали

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Газетанинг навбатдаги сони 1 август, пайшанба куни чиқади

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 671

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA